

## Фақирликдан қўрқиб...

08:20 / 21.01.2018 3707

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, қайси садақанинг ажри улканроқ?» деди. У зот: **«Ўзинг соғлом, хасис ҳолингда, фақирликдан қўрқиб, бойликни орзу қилиб туриб садақа қилишингдир. Лекин буни жон ҳалқумга етгунгача чўзмайсан. Сен «фалончига унча, фалончига бунча», дейсан, ҳолбуки у аллақачон фалончини бўлиб қолган»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.